Мутолаа

# ҲАМ ҚЎЛЛАНМА, ҲАМ ТАДҚИҚОТ

Маълумки, мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ютуғига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказиш, деҳқонларнинг руҳий-маънавий дунёқарашини ўзгартириш масалалари мамлакатимиз раҳбарияти томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган давлат аграр сиёсати мазмунида ётади. Бу сиёсатнинг асосий йўналишлари Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил декабрида бўлиб ўтган X сессиясида сўзланган нутқида аниқ-равшан баён этиб берилган. Давлатимиз раҳбари ушбу маърузасида қишлоқ хўжалигида рўй берган туб ўзгаришларни кўрсатиб бериш билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга батафсил тўхтаб ўтди ва бу борадаги ечимларни асослаб берди. Юртбошимизнинг таъкидлашича, «бугун янги шароит ва талабларга жавоб берадиган меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги қишлоқда ислоҳотларни ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга тўсқинлик қилмоқда. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигида ислоҳ қилиш амалиёти ва мақсадларидан унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш жараёни ортда қолмоқда.

Ҳам ҳуқуқий ва юридик асослар нуқтаи назаридан, ҳам амалий иқтисодий чора-тадбирлар белгилаш нуқтаи назаридан бу ҳолни пухта кўриб чиқиш, унинг таъсирли ечимларини топиш бугуннинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Бу вазифани амалга ошириш ҳуқуқ фанлари ва ҳуқуқшунос олимларимиз зиммасига юксак масъулият юклайди. Худди шу сабабли ҳам иқтидорли ёш олим, юридик фанлари доктори Ш. Рўзиназаровнинг «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилган «Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми» номли илмий рисоласи замон талабларига ҳозиржавоб салмоқли илмий-амалий тадқиқот деб айтиш мумкин. Ушбу рисолада қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти ва уни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ташкил этиш ва фаолият юритиш асослари, бу корхоналар томонидан қўлланиладиган шартномалар ва уларнинг асосий мазмуни, қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш масалалари батафсил ва чуқур тадқиқ этилган.

Рисоланинг илмий қиймати шундан иборатки, унда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, АҚШ, Япония, Европа ва Ҳамдўстлик давлатлари аграр қонунчилиги билан қиёсий таҳлил асосида ёритилган.

Муаллиф фақат тор доирада чекланиб қолмасдан кенг қамровли муаммоларни ўрганиш асосида қишлоқ хўжалик ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича пухта ва илмий асосланган ечимларни ва ғояларни илгари сурали.

Айни вақтда тадқиқотда қишлоқ хўжалиги соҳасида янги қонунларнинг қандай амал қилаётгани ҳам танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан ўрганиб чиқилган, уларнинг заиф нуқталарини бартараф этиш, ижобий ҳолатларини аниқлаш бўйича жиддий натижаларга эриша олган. Бу ўринда муаллифнинг қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини бозор муносабатлари тизимига мувофиқ равишда шакллантириш, деҳқонларда мулкдор — хўжайин мақомини қарор топтирувчи ҳуқуқий замин яратиш бўйича фикрлари диққатга сазовордир.

Ушбу илмий рисола айни вақтда қишлоқда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун муҳим амалий аҳамиятга эга қўлланма сифатида баҳоланиши мумкин. Зеро, унда қишлоқ хўжалигида якка тадбиркорлик, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, ижара корхоналари, акциянерлик жамиятлари, кичик корхоналарни ташкил этиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий асослари меъёрий ҳужжатлар асосида, содда ва тушунарли тилда баён этилган.

Тадқиқотнинг шартномавий муносабатларга бағишланган қисми суд амалиётидан олинган мисоллар шартнома интизоми ва шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини тушуниб етишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, бу тадқиқот ҳуқуқшунос олимлар учун ҳам ғоят муҳим манба бўлиш билан бирга қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлар учун зарурий ҳуқуқий билимлар ва йўл-йўриқларга бой бўлган қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**О. ОҚЮЛОВ,**
**юридик фанлари номзоди, доцент.**
**С. БОБОҚУЛОВ,**
**юридик фанлари номзоди, доцент.**

---

БУГУННИНГ ФЕРМЕРИ

# "БОЙТУПИ"НИНГ БОЙ ЎҒЛОНИ

Заркент қишлоғининг шундоқ биқинида Бойтупи деган мўъжазгина маҳалла бор. Бу маҳалланинг таърифини Фарғонанинг Тошлоғидан олисларда ҳам яхши билишади.

Унинг сўнгги йиллардаги довруғини Одилжон Рустамов элга овоза қилди десак, муболаға бўлмайди. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида юртимиз истиқлолга эришиб, тадбиркорлар, ишбилармонларга кенг йўл очилди. Қўлида ҳунари бор, ишбилармонларнинг оёғи ерга тегмай қолди. Кимдир хусусий корхона очса, кимдир тижорат билан шуғулланади. Яна бошқаси ҳунармандчиликнинг этагини тутди. Бинойидек савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрган Одилжон бирданига фермер хўжалиги ташкил этиш истагида юрганлигини эшитган кўпчилик ''бу бир ҳавас-да, чорвачиликнинг минг бир заҳмати бор. Бир-икки йилда «муроди ҳосил» бўлиб, яна ўз ишига қайтиб келади'' деб гапирганлар ҳам бўлди.



Ота-онасининг фотиҳаси билан фермер хўжалиги ташкил этиш ниятида "Заркент" жамоа хўжалиги бошлиғи Раҳматулло Қўшоқов ҳузурига кирди. Режаларини, ниятларини, мақсадларини раисга тўкиб солди. Ёш раис ҳам ёш йигитнинг шижоатига, қалбидаги чўғига, ғайратига ишондими, уни қўллаб-қувватлашини айтди.

Шундай қилиб, 1994 йили эрта баҳорда Тошлоқда яна бир фермер хўжалиги дунёга келди. Унга тузилган вақт маъносидами"Навбаҳор" деб ном беришди. Дастлаб фермер хўжалигига хонадондаги 10 та қорамол, қўй-қўзи ҳисоб қилинди. Хўжалик деҳқончилик қилиш учун беш гектар ер ажратиб берди. Ўша йилиёқ Одилжон ҳақиқий фермерлигини амалда исботлади. Давлатга 2,5 тонна гўшт сотилди. Секин-аста хўжаликнинг иши юришиб кетди. Орадан бир йил ўтиб, жамоа хўжалигида ҳам "Навбаҳор"чиларга ишонч ортди. Қорамоллар бош сони 84 тага етказилди. Яна 12 гектар ер қўшиб берилди.

Одилжон биринчи навбатда ем-хашак базасини мустаҳкамлашга эътиборни қаратди. Ҳар гектар майдондан икки мартадан озуқа етиштириб олинди. Қишловга тайёрланган силосдан 500 тоннаси ортиб қолди. Эҳтиёждан ортиқ маҳсулотни хўжаликларга сотиб, фойдасига яна 45 бош қорамол олди. Одилжоннинг қатъий шиори бор. Битта бўрдоқи тарозига қўйилса, ўрнига иккита бўрдоқи сотиб олиниб, қўрага қамалади. Шу тариқа иш тутилганлиги учун ҳам ўтган йилга келиб, қорамоллар бош сони 152 тага етди. Жамоа хўжалиги ҳам иши юришган фермерни дадил қўллаб-қувватлаб турибди. Экин майдонлари 34 гектарга етказилди. Дастлаб, фермер хўжалиги бўрдоқи гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган бўлса, энди бу ерда 25 бош соғин сигир ҳам парвариш қилиняпти. Бугунги кунга келиб, "Навбаҳор" фермер хўжалиги чинакам чорвачилик комплексига айланди. Ҳозир хўжаликда соғин сигирдан ташқари 12 бош от, 30 бош қўй, 100 дан зиёд парранда парвариш қилиняпти.

Чорвадорлар озуқа етиштириш сирларини ҳам оби-тобида ўзлаштириб олишди. Ўтган йили 7,7 гектар майдонда буғдой етиштирилиб, 50 тонна ҳосил олинган, шундан 31 тоннаси давлатга сотилган бўлса, бу йил 20 гектар майдонда экилган ғалладан 90 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Буғдойнинг бир қисми ички эҳтиёжлар учун ажратилиб, қолгани давлат омборларига етказиб берилди. Одатда, силос жамғариш кузнинг ёғин-сочинли кунларига қолар эди. Одилжоннинг жамоаси эса бу муҳим ишга бугунданоқ киришган. 14 гектар ердаги маккажўхори силос учун ўриб олинди. Хандақларга 800 тоннадан зиёд силос бостирилди. Ҳали бу ҳаммаси эмас, буғдойдан бўшаган майдонларга тўласича такрорий экин сифатида маккажўхори уруғи сепилди. Эрта баҳорда минерал ва маданий ўғитга тўйинтирилган ерлардан силос учун камида 600 центнердан кўк масса етиштириш режалаштириб турилибди. Бу фермер хўжалигида парвариш қилинаётган чорва молларини қишловдан талофатсиз олиб чиқиш учун бемалол етади.

Йил бошида хўжалик туман фермерлар уюшмаси билан 11,5 тонна гўшт етказиб бериш юзасидан шартнома тузган эди. Шартнома муддатидан ярим йил олдин ўринлатиб қўйилди. Ҳозиргача тайёрланган бўрдоқи гўшти 16,5 тоннани ташкил этади. Бундан ташқари, сутчилик ҳам хўжаликнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб боряпти. Шартномавий режада кўрсатилмаган бўлса ҳам, сутни қайта ишлаш корхонасига 30 тоннадан зиёд серёғ сут жўнатилди.

Одилжон ёшлигиданоқ оиланинг давлати ҳисобланган отга ишқибоз эди. Фермер хўжалиги ташкил қилинган дастлабки йили Қирғизистоннинг Бозорқўрғон қишлоғидан тўриқ от сотиб олди. Бу отнинг довруғи бутун Қирғизистонга машҳур бўлиб кетган экан. Шунинг учун ҳам қирғиз улоқчилари кўпкари бўлса, Одилжоннинг отини сўраб келишадиган бўлиб қолди. Шундай кўпкариларнинг бири қўшни Лойсон қишлоғида бўлиб ўтди. Одилжоннинг тўриғини минган қирғиз улоқчи пойгаларнинг ҳаммасида ютиб чиқди, кўпкарида унинг олдига тушадигани бўлмади. Совринга берилган туяни улоқчи тантилик билан Одилжонга тортиқ қилди, "сенинг тўриғинг менинг номимни улуғлаб берди. Шунинг ўзи етади," деб отга қамчи босиб кетаверди. Шу-шу бўлди-ю, Одилжоннинг меҳри қўш ўркачли саҳро кемасига тушиб қолди. Болалиги ўтган Кўчқорчи даштларида туя миниб, адир ошишса юрагига аллақандай самовий оҳанглар тўлиб келавергандай бўлади. Дастлаб, туянинг бошини иккита қилди. Сўнг эса яна икки бош қўшўркачлини сотиб олди. Шундай қилиб, Фарғона тарафларда унутилиб кетилаётган туячилик Одилжоннинг саъй-ҳаракати билан қадимий юртига, эски ўзанларга қайтарилмоқда.

Ҳозирга келиб, Фарғона тарафларда Одилжон фермер билан бел бойлашишга ҳар қандай фермернинг ҳам юраги дов беравермайди. Ўтган йили 1 миллион сўмдан зиёд соф фойда олди. Отасининг ўгитларини эътиборга олиб, бу маблағларни дастлаб савоб ишларга, хайрли мақсадларга ишлатмоқда. Ўзи ўқиган 12-ўрта мактабни таъмирлашга кўмаклашишни икки йилдан бери Одилжон Рустамов зиммасига олади. Ўқув йили давомида 120 нафар ўқувчига бепул нонушта уюштириляпти. Ҳар ойда 3 нафар аълочи ўқувчи фермернинг шахсий стипендиясидан баҳраманд бўлади. Бу мақсадга ҳар ойда 2000 сўм миқдорида маблағ ажратилмоқда.

Хуллас, туман, хўжалик миқёсида ўтказилаётган ҳар қандай тадбирга Одилжон имкон қадар ўз улушини қўшади. Дашт маҳалла йўлини асфальтлаштириш, ночор оилалардан бирини тўла таъминотига олиш, ўқувчиларга ёрдам кўрсатишни яна ҳам кўпайтириш фермернинг навбатдаги режалари.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди, — дейди таниқли фермер Одилжон Рустамов. — Энди биз фермерларнинг олдида тўғаноқ бўладиган муаммолар деярли қолмади. Фақат ишлаш, меҳнат қилиш керак.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Янги самолёт парвозда

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Ил-114" самолёти Самарқандга парвоз қила бошлади. Эндиликда у вилоятга учаётган "Ан-24" русумли "ҳаво кемалари" ўрнини эгаллайди.

Янги самолёт "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси"нинг шу турдаги дастлабки маҳсулотидир. 64 ўринли бу лайнер техник кўрсаткичлари бўйича бир қатор афзалликларга эга бўлиб, парвоз вақтида шовқиннинг камлиги, тезликнинг юқорилиги, двигателнинг тежамкорлиги ва ниҳоят йўловчилар учун ғоят қулайлиги билан ажралиб туради.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# БОҒЛАР ТАРОВАТИ, ФАЙЗИ ЎЗГАЧА





**Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, қуёшдан ранг олиб ғарқ пишган мевазор боғлару мўл ҳосилдан дарак бериб дилларга ҳузур бағишловчи кенг пахтазорга кўзингиз тушади. Беихтиёр кўнглингиздан соҳибкору боғбоннинг, йил ўн икки ой даласини тарк этмаган деҳқоннинг самарали меҳнати натижаси бу, деган ўй кечади.**

**Дарҳақиқат, айни кунларда Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институтининг Рустам Бобожонов раҳбар бўлган Амир Темур номли филиалидаги 45 гектарлик боғда етиштирилаётган турли мевали ва манзарали дарахтларни кўриб боғбон меҳнатига таҳсин ўқишингиз, шубҳасиз.**

**Қорақалпоғистон Республикаси туманларига турли дарахт кўчатлари етиштириб беришга ихтисослашган ушбу боғда айни пайтда 240 турдан зиёд дарахтлар парваришланмоқда.**

**Мухбиримиз Тоҳиржон Юсуфжон ўғли олган ушбу суратларда филиал директори Рустам Бобожонов ва болга тўлган боғлар тасвирга туширилган.**

---

# МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан Марказий банкда ташкил этилган захиралар айрим банклар йўл қўйиши мумкин бўлган молиявий хатолар ўрнини қоплашда ишончли восита бўлмоқда.

**Банк тизими барқарорлигини таъминлаш ўз навбатида банклараро рақобатни ривожлантириш, бу борада тегишли чора-тадбирларни амалга оширишни ҳам тақозо этди. Шу боис банк филиаллари тармоғи кенгайтирилиб, банклар, шу жумладан, хусусий ва чет эл сармояси иштирокидаги банклар сони кўпайтирилди, замонавий банк аудити жорий этилди.** Сўнгги йилларда, айниқса, республикамиз молия бозорида хорижий сармоя иштирокидаги қатор банклар пайдо бўлди. Бугун улар муваффақиятли фаолият юритмоқда. «ЎТбанк» Ўзбекистон-Туркия қўшма банки, «Ўзприватбанк» халқаро банки, «АБН Амро-банк» Ўзбекистон-Голландия қўшма банки ва «ЎзДЭУбанк» Ўзбекистон-Корея қўшма банки шулар жумласидандир.

Айни кунларда республикамизда жаҳоннинг ўн тўртта йирик банки, шу жумладан, Германиянинг «Дойче банк», «Берлинер банк», «Коммерцбанк» ва «Дрезднербанк», Франциянинг «Сосьете Женераль», «Насьонал де Пари» ва «Коммерсиаль де Франс», Швейцариянинг «Креди Свисс», Американинг «Чейз Манхеттен банк» каби банкларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон давлат сиёсатининг кўпроқ ташқи иқтисодий алоқаларга йўналтирилаётганлиги, шунингдек, хорижий инвесторлар томонидан мамлакатимизга бўлган қизиқишнинг ортаётганлиги хорижий сармоялар иштирокидаги банкларни ташкил этиш жараёнини тезлаштираётган бўлса, Президентимизнинг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони янги тижорат банкларининг ҳуқуқий базасини янада чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этди. Ушбу Фармонга биноан, бугунги кунда 7 та хусусий акциядорлик-тижорат банкига Марказий банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга лицензиялари берилди.

Марказий банк, шунингдек, Президентимизнинг «Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили республика тижорат банкларида жаҳонга машҳур «Артур Андерсон», «Делойт энд Туш», «Куперс энд Лайбрандт», «Ки Пи Эм Жи» ва «Эрнст энд Янг» каби нуфузли аудиторлик компаниялари томонидан халқаро аудит ўтказиш учун буюртмачи бўлди. Бундай даражадаги аудит уларнинг кучли ва заиф томонларини холис баҳолаш ҳамда келгусида рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро андозаларга эришиш юзасидан ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни амалга оширишларига ёрдам бермоқда.

**Биз самарали ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этиш ва уни ривожлантириш каби муҳим соҳада ҳам қатор муваффақиятларни қўлга киритдик.** Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, бу масалада умуман янги технологияга ўтилди. Ҳозир Банклараро электрон тўловларнинг ягона тизими яратилган бўлиб, бу барча тижорат банклари ва уларнинг филиалларини тўла қамраб олди. Республикамизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб мазкур тизим жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фақат шугина эмас. 1996 йилнинг мартида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида Марказий банкдаги ягона марказдан бошқариладиган Ҳисоб-китоб марказлари очилди. Натижада тўловларнинг ўтиш муддати республикамиз миқёсида янада қисқарди: эндиликда у саноқли дақиқаларни ташкил этмоқда.

Юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилаётган мазкур иш шу йилнинг ўзидаёқ республикада реал вақт тартибида ишловчи ва халқаро андозалар талабига тўла жавоб берадиган замонавий тўлов тизимини яратиш имконини беради.

Булардан ташқари, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва тижорат банклари билан ҳамкорликда «Пластик карточкаларни қўллаган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш миллий тизимини жорий этиш» Концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур дастурнинг амалга оширилиши нақд пул муомаласини тартибга солиш, нақд пулни хўжалик оборотига жалб қилиш, аҳоли ва корхоналарга хизмат кўрсатишни халқаро андозалар даражасига кўтариш ҳамда банк тизимида рақобат муҳитини ривожлантиришни таъминлайди.

Банк тизимида ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришнинг яна бир йўналиши 1997 йилнинг баҳорида халқаро андозаларга жавоб берувчи янги ҳисоб рақамлар режасининг жорий этилиши билан боғлиқ. Ушбу иш банклар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг аудит, банк назорати ва инвесторлар учун очиқлиги ва ошкоралигини ошириш, мамлакат банк тизимининг халқаро молиявий тизимлар билан уйғунлашувини чуқурлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилди. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг янги шаклларини ишлаб чиқиш эса юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда бажарилди.

**Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, банк тизимидаги мутахассислар ва раҳбар ходимлар сезиларли даражада ёшариб бормоқда** (мутахассисларнинг ўртача ёши 30-35 ни ташкил этади). Бу ҳол ёш мутахассисларни кўп босқичли суҳбатдан ўтказиб (улар бўлим бошлиғидан тортиб то ҳудудий бош бошқарма бошлиғигача бўлган раҳбарлар билан суҳбатдан ўтадилар), синов муддати билан ва ўқув амалиёти натижаларига қараб танлов асосида қабул қилишга имкон бермоқда. Бугунги кунда банк ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими — бу банк синфлари, коллежлар, иқтисодий университетлар ва институтлар, ўқув марказлари ва академиялар, минтақавий семинарлар ва халқаро конференциялардир.

**Юқорида қайд этилган барча йўналишлар бўйича ислоҳотларни амалга оширишда, албатта, Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки каби етакчи халқаро ташкилотлар, шунингдек, бошқа халқаро муассасалар, банклар билан узвий ва амалий ҳамкорлик қилиши катта аҳамият касб этади.** Қолаверса, ушбу ташкилотлар билан ҳамкорлик тор доирадаги ўзаро молиявий алоқалар доирасидан четга чиқиб, банк қонунчилигини ишлаб чиқиш, банкларнинг молиявий ва бошқарувчилик қобилиятини яхшилаш, банк назорати, бухгалтерия ҳисоби, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳаларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун ўтган давр мобайнида ХВФ ва Жаҳон банки томонидан тўлов балансини тартибга солиш, молия соҳаси ва қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларини ислоҳ этиш мақсадларига катта миқдорда маблағлар ажратилди.

**Банк ислоҳотлари соҳасида эришилган ютуқлар тизимда ҳал этилмаган муаммолар йўқ, деган маънони билдирмайди, албатта. Муаммолар бор. Улардан энг асосийси айрим жойларда ҳали ҳам эски иш юритиш услубларининг сақланиб қолганлиги ва баъзи тижорат банклари раҳбарларининг ўз вазифаларини фақат номигагина бажараётганлигидир.**

Банк менежменти сифатини ошириш йўлига, яъни тижорат банкларини акциялаштиришга ўтилганига анча бўлди. Аммо бугун давлат банкларини акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, акциялаштириб бўлинган банк муассасаларини эса таркибий қайта тузишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Ҳозирги вақтда сармоянинг асосий улушига давлат эгалик қиладиган бир неча тижорат банклари мавжуд. Ушбу банкларнинг фаолияти шуни кўрсатмоқдаки, улар амалда тижорат банклари тизимидаги барча активларнинг ярмидан ортиғига эгалик қилаяптилар, бу эса рақобатнинг ривожланишини тўхтатиб қўймоқда. Шу сабабли банк акцияларининг давлатга тегишли бўлган улушининг бир қисмини хусусийлаштирилган корхоналар ва хусусий шахсларга сотиш мақсадга мувофиқдир.

Яна шуниси ҳам борки, қатор акциядорлик банклари устав сармоясининг асосий эгалари давлат корхонаси ёки тўлиқ хусусийлаштирилмаган корхоналар ҳисобланади, ўз навбатида улар акцияларининг назорат пакети давлатга тегишлидир. Бу эса амалда давлат мулкчилигининг яширин шакли бўлиб, у амалдорларнинг зўравонлиги, эскича фикрлашнинг ҳукмрон бўлиши, банкнинг маъмурий усуллари билан бошқарилиши ва нодавлат акциядорлар ҳуқуқларининг поймол қилинишига олиб келади.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг рақобатбардошлиги ва менежментини оширишда акциялаштириш воситаси билан бир қаторда уларнинг ўз акцияларини сотиш йўли билан хорижий сармояни жалб этишлари муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, банкларимизда хорижий сармояни жалб этиш жараёни ҳозирча яхши ривожланмаяпти.

Бу ўз навбатида ушбу йўналиш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўриш заруратини туғдирмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлар эса акциядорлик банклари устав фондида акциядорлик сармоясини кўпайтириш ҳисобига банклар бошқарув тизимларининг мустаҳкамланишини таъминлайди, акциядорлар умумий йиғилишининг аҳамиятини оширади, банклар бошқаруви ва Кузатув кенгашлари фаолиятида акциядорлар иштирокини фаоллаштиради.

**Республика банк тизимининг ривожланиш суръати ва йўналишлари йирик банклар томонидан белгиланиши ҳаммага маълум. Шунинг учун ушбу банклар акциядорларининг банк фаолиятини бошқаришда амалда қатнашишлари жуда муҳимдир.** Ҳозир бизда бир гуруҳ хорижий маслаҳатчилар ва мутахассислар ишламоқда. Улар банк соҳасини таркибий қайта қуриш ва уни мустаҳкамлаш масалаларида техник ёрдам кўрсатаётирлар.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар мустақил мамлакатимиз банк тизими томонидан бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилган ишларнинг энг муҳим қирраларидир. **Аммо биз ҳали яна кўпгина ишларни қилишимиз керак.** Хусусан, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютамиз барқарорлигининг ошиши, аҳоли ва корхоналар жамғармасининг кўпайишини таъминлайдиган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига инвестициялар йўналтирилиши ҳамда жаҳон хўжалигига интеграциялашувни рағбатлантирадиган мақсадли пул-кредит сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим.

Республикамиз банк тизими ходимлари бундан буён ҳам ана шу эзгу мақсад — мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида ўз куч-ғайратларини аямай, сидқидилдан меҳнат қилаверадилар.

Republican Trade and Exhibition Centre
UZEXPOCENTRE

МИНИТЕХ-98

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги*
Сизни
**"ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ИХЧАМ УСКУНА ВА МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР"**
*халқаро кўргазмасига таклиф этади.*
*Кўргазма 1998 йил 24—27 август кунлари РСКМ "Ўзэкспомарказ" 4-павильонида бўлади.*
*Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107.*
**Кўргазманинг ишлаш вақти:**
24 август-соат 12.00-18.00
25-26 август-соат 10.00-18.00
27 август-соат 10.00-15.00
*Кўргазмада Болгария, Япония, Туркия, Италия, Хитой, Олмония ва бошқа давлатлар минитехнологиялари ва ихчам ускуна намуналари намойиш этилади.*
*Кўргазмада Исроил давлатининг миллий бўлимида 15 дан зиёд фирмалар иштирок этадилар.*
866

"ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС" ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ
Чипта сотувчиларни ишга таклиф этади
Маълумот учун телефонлар: 34-84-19, 34-82-37.
Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 6-8 минг сўм
*Бир йилдан ортиқ иш стажи бўлганларга 20% дан 50% гача миқдорда устама ҳақ тўланади.*
*Шаҳар йўловчи транспорти чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиш, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.*



851

